ТИЛ БИРЛИКЛАРИ ТАҲЛИЛИДА СЕМАНТИКА ВА ПРАГМАТИКАНИНГ ҲАМКОРЛИГИ

Б.Б.Одилов

The article deals with one of the prospective directions of linguistic science – collaboration of semantics and pragmatics.

Статья посвящена анализу одной из перспективных направлений лингвистической науки – сотрудничеству семантики и прагматики.

Ҳозирги замон тилшунослари диққат марказида тил ҳодисаларига бир томонлама ёндашувдан воз кечиш имкониятини берувчи омил турибди. Бу омил “синтактика – семантика – прагматика” тадқиқ дастурини амалга оширишни назарда тутади. “Прагматика” тушунчаси эса, замонавий лингвистиканинг методологик тушунчалари мажмуидан мустаҳкам ўрин олган. Бу бир томондан яхши, соҳанинг муҳимлиги, кўтарилаётган масалаларнинг кўплиги, танланган йўналишнинг долзарблиги барчанинг эътиборини тортаётганлиги бунинг исботидир. Бироқ “бир қатор тадқиқотчиларнинг уринишларига қарамасдан, бу муаммо ўз ечимини топганича йўқ, ҳануз прагматиканинг бошқа тилшунослик соҳалари қаторида тутган ўрни, унинг соҳалараро муносабати ҳақида айтилаётган фикрларнинг охири кўринмаяпти”[6:52]. Мутахассисларнинг қайд қилишларича, “ҳозирча ҳеч бир тилшунос тил тизими тадқиқотида қайси соҳа прагматикага оид ёки унга ёт эканлигини бирор-бир ишонч билан айта олмаяпти”[7:6]. Аслида прагматика семиотиканинг бир бўлими сифатида ажратилган эди. Ушбу фан асосчиларидан бўлган Ч.Моррис “синтактика – семантика – прагматика” учлигини фарқлашни таклиф қиларкан, прагматика тушунчасини объект ва унинг тил тизимидаги ифодаси – белги муносабатидан ташқари, ушбу белгини қўллаш шароити ва қўлловчи шахсга эътибор бериш эҳтиёжини қондириш учун киритган эди.

Семантика ва прагматиканинг ҳамкорлиги тил бирликлари маъно ва вазифа имкониятлари таҳлилини чуқурлаштирди, синтактика соҳасидаги тадқиқотларнинг доираси кенгайиб, қўлланилаётган услублар лисоний белгилар, синтактик муносабатларнинг мулоқот матнида фаоллашув даражасини аниқлаш имкониятини бермоқда. Айнан шундай натижаларни прагматика билан стилистика оралиғида бажарилган илмий тадқиқотларда ҳам кўришимиз мумкин. Жумладан, Ўзбекистонлик тилшунослар О.С.Азнаурова, Д.У.Ашурова ва уларнинг шогирдлари луғавий бирликларнинг матнда қўлланиши асосида юзага келадиган стилистик ҳодисалар қандай прагматик таъсир кучига эга бўлиши мумкинлигини таҳлил қилиш муаммосини қатор нашрларда кўтардилар [1,2].

Прагматик мазмун сифатида сўзловчи(ёзувчи)нинг руҳий ҳолати, унинг берилаётган ахборотга муносабати ҳамда унинг тингловчи(ўқувчи)га таъсир ўтказиб, маълум ҳаракатга ундаш нияти тушунилади. Ушбу мазмунга нисбатан гапларнинг қуйидаги прагматик турлари фарқланади: констатив (хабар, таъриф, ҳисобот мазмуни ифодаланганда), директив (буйруқ, илтимос, фармойиш каби мазмунлар ифодаланганда), комиссив (ваъда бериш), экспрессив (таклиф қилиш, узр сўраш, миннатдорчилик изҳор этиш каби мазмунлар ифодаланганда), реквистив (илтимос ёки талаб қилиш) ва бошқалар [3,5,8].

Юқоридаги ҳаракат турларининг аниқ рўйхати ва фарқини кўрсатиш учун хизмат қиладиган услублар ҳақида турли-туман фикрлар билдирилган. Таъкидлаб ўтилганидек, уларни фарқлаш учун хизмат қиладиган ягона мезон сўзловчи(ёзувчи)нинг тингловчи(ўқувчи)ни маълум ҳаракатга ундаш режасидир. Қўлланилаётган тил бирликларининг структуравий хусусиятлари эса қарийб инобатга олинмайди, улар фақатгина восита сифатида тан олинади. Ягона шаклий кўрсаткич сифатида қўлланилаётган (ёки қўлланиши мумкин бўлган) перформатив феъл танлаш муаммо эмас ва бу феъл нутқий ҳаракат мазмунини аниқроқ очиш учун хизмат қилади. Перформатив феъл

оғзаки нутқда бевосита қўлланмаса ҳам, матнда унга ишора қилувчи белгилар бўлади ёки ушбу феълни тиклаш имконияти доимо мавжуд.

Қиёсланг:

1) I assure you, Mrs. Higgins, we take Eliza very seriously ; [10;122];

2) Johnny: Come with me. You come with me you watch me. You can keep me looked up for three days … That's all it takes Polo. Three lousy days.

Polo: Johnny, I can't watch you go through that again…[11:337].

3) Mortimer: We're dining with the Vancoures at 8.15.

Constance: For eight – thirty. I promise I'll send her home in good time to dress [9:460].

Ушбу гаплардан фақатгина биринчи ва учинчисида перформатив шакллар ўз ифодасини топган. Улардан I assure you бирикмаси ишонтириш коммуникатив мазмунини шакллантиришда иштирок этса, promise феъли ваъда бериш нутқий ҳаракатини ифодаламоқда. Иккинчи мисолда перформатив феъл йўқ, бироқ ушбу нутқий мулоқот жараёнида ишонтириш ҳаракати мавжудлигини инобатга олиб, ушбу феълни тиклаш мумкин: Johnny is persuading Polo to come with him and watch him.

Айрим турдаги нутқий ҳаракатларда перформативнинг қўлланиши ҳеч қандай қийинчилик туғдирмайди. Масалан, таъқиқ, талаб, ижозат каби буйруқ-истак мазмунлари ифодаланганда перформатив феъл анча осон тикланади:

Passengers are not allowed to smoke; I demand he should take part in this undertaking; Now you may go. I consent to your proposal.

Бинобарин, тасдиқ мазмуни дарак гап, ундаш ва сўраш эса буйруқ ҳамда сўроқ гап шакллари воситасида ифодаланиши барчага аёндек. Аммо бу хилдаги шакл ва мазмун уйғунлиги тил ва нутқ тизимлари учун доимий мувофиқлик касб этмайди:

1) Why not leave her alone?
2) Why don't you let that to Tom?
3) Who said I was sorry?
4) I wish you would stop pulling at my arm.
5) Can you give me a lift to the station?

Дастлабки икки гап, гарчанд савол шаклида тузилган бўлса-да, маслаҳат мазмунини ифода қилиш учун хизмат қилади. Учинчи савол-гап эса нутқда тасдиқ мақсадини кўзлаган ҳолда қўлланади. Қолган икки гапни мулоқот жараёнида қўллашдан мақсад илтимос мазмунини баён қилишдир, лекин 4-гап дарак, 5- гап эса савол шаклларига эга. Демак, сўзловчи мулоқот фаолияти жараёнида ўз коммуникатив мақсадини билвосита, яъни турли-туман грамматик-структуравий шаклларга мурожаат қилиш йўли билан ифода қилиш имкониятига эга. Прагмалингвистикада бу услуб асосида тузиладиган нутқий ҳаракатлар inderect speech acts тушунчаси билан аталади [4: 141-153].

Қайд қилиш лозимки, шу пайтгача нутқий ҳаракатлар назарияси, асосан, содда гаплар прагматикаси билан шуғулланишни давом эттирмоқда. Мураккаб нутқий қурилмалардан фақатгина матн танлаб олиниб, унинг таркибига кирувчи бошқа мураккаб қурилмаларнинг прагматик имкониятлари назардан четда қолмоқда. Ҳолбуки, синтаксис таълимотида содда ва қўшма гаплар қарама-қаршилиги доимийдир.

Келтирилган қурилмалар синтактик таркибига нисбатан турли хусусиятларга эга бўлишига қарамасдан (эргаш гапли қўшма гап, уюшган қўшма гап ва иловали қурилма), сўзсиз, маълум турдаги коммуникатив мақсадларни ифода этиш учун хизмат қиладилар ва шу боис улар нутқий ҳаракат назарияси асосида таҳлил қилинишга лойиқ деб ҳисоблаймиз.

Адабиётлар:

1. Азнаурова Э.С. Прагматика художественного слова.- Т.: Фан, 1988
2. Ашурова Д.У. Производное слово в свете коммуникативной теории языка.- Т.: Фан, 1991
3. Богданов В.В. Речевое общение. Прагматические и семантические аспекты.– Л.: ЛГУ, 1990
4. Поспелова А.Г. Косвенные высказывания // Спорные вопросы английской грамматики.- Л.:ЛГУ, 1988
5. Почепцов О.Г. Прагматическая структура высказывания // Языковое общение и его единицы.- Калинин, 1986
6. Сафаров Ш.С. Прагмалингвистика.- Т., 2008
7. Языковая деятельность в аспекте лингвистической прагматики.- М.: Наука, 1984
8. Searle J. What is a Speech Act // The Philosophy of Language. London, 1971. – P.39-53.

9. Maugham W.S. Cakes and ale or the Skeleton in the Carp board. – M.: Progress, 1980.– 238 p.
10. Shaw G.B. Four Plays. -M., 1952. - 143 p.
11. Green G. The Comedians.– Penguin Books, 1984.-337 p.

Самарқанд давлат чет тиллар институти,
2009 йил 15 сентябрда қабул қилинган
(Тақризчи: проф. Ғ.Ҳошимов)